



ТЕМИРҮО'ЛЧИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О'ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҮО'ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 26-fevral • payshanba • № 8 (6588)

Кўрсарой қароргоҳида 24 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди.

ЁШЛАРНИ ИШЛИ ВА ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШ, ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни самимий қўллаб-қувватлаш, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, гоё, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Йиллар давомида яратилган имкониятлар натижасида ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётган талаба-ёшларимиз 500 нафардан, ТОП-100 талиқдаги олийгоҳларда ўқийётган йигит-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди. Ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари бозорларига кириб борган. Ёш спортчиларимиз халқаро аренада 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медалини соҳиби бўлди. Бугун ёш тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эътироф этилгани бежиз эмас. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши, Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, "Take Off" халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши бу мақомни янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етишини қайд этиб, ёшларга ўз имконияти ва қизиқишига мос иш топиши учун шaroит яратиш энг муҳим масала эканини кўрсатиб ўтди.

Ёшлар ўртасидаги сўровнома натижасига кўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган.

Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилгани, "Ёшлар бизнеси" ва "Келажак қадам" дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлагани таъкидланди.

Бу ишларнинг давоми сифатида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун кўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Давоми 3-бетда

БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ



"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА БОШҚАРУВ РАИСИ ЗУФАР НАРЗУЛЛАЕВ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА САВДО ЭЛЧИСИ ЖОН ОЛДЕРДАЙС ҲАМДА БУЮК БРИТАНИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ТИМОТИ СМАРТ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.



Тадбирда З.Нарзуллаев лорд Олдердайсга Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва топшириги билан Ўзбекистон темир йўллари тизимида кенг қўламли ислохот ва трансформация жараёнлари амалга оширилаётгани, жумладан, юқори тезликдаги темир йўл ҳаракатини кенгайтириш, темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий рақамли ечимлар ва инновацион технологияларни жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланганлигини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат ушбу йўналишларда Буюк Британиянинг темир йўл

соҳасидаги илгор тажрибаси ва юксак салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилади. Шу боис мамлакатимиз темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Британия тажрибаси Ўзбекистон темир йўлларида жуда ҳам фойдали бўлиши табиий.

Учрашувда Жон Олдердайс ҳамда Тимоти Сمارт Буюк Британия, хусусан, Лондон жаҳон молиявий бозорида катта аҳамиятга эга эканлиги ва Ўзбекистон темир йўллари инфратузилмасини ривожлантириш учун молиявий банклар ва компаниялар Ўзбекистон темир йўллари ривожланишининг

стратегик устувор йўналишлари бўлган "Тошкент – Самарқанд", "Самарқанд – Навоий – Бухоро", "Тошкент – Урганч – Хива" йўналишларида юқори тезликдаги темир йўл лойиҳаларига, хусусан, электрлаштириш, сигнализация ва бошқарув тизимларини модернизация қилиш, темир йўл вокзалларини ривожлантириш ва уларни туризм ҳамда йўловчи оқими-га мослаштириш масалаларида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Томонлар йирик темир йўл лойиҳаларида Британия тажрибасидан фойдаланиш, айниқса, хавфсизлик бошқаруви, рақамли сигнализация, тизим интеграцияси ва лойиҳа бошқаруви бўйича илгор билим ҳамда амалиётларни биргаликда қўллаш, шунингдек, темир йўл ходимларини Британияда малакасини оширишни муҳокама қилишди. Учрашувда замонавий йўловчи хизматлари, техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация бошқаруви ва активларни бошқариш бўйича тажриба алмашиш, техник хизмат кўрсатиш, хавфсизлик аудити ва ўқув дастурларини ташкил этиш, экспорт кредитларини халқаро молия институтлари билан қўшма молиялаштириш имкониятлари ҳамда юқори тезликдаги темир йўл, рақамлаштириш ва хавфсизлик бўйича қўшма техник гуруҳ тузиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда Ўзбекистон темир йўллари модернизацияси бўйича икки томонлама ҳамкорлик йўл ҳаритасини ишлаб чиқиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ЖАРАЁН

ЮК ТАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган ҳафта "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари А.Комилжонов бошчилигидаги делегация аъзолари Қозғистон Республикасига хизмат сафари дорисада "Сариоғоч" станциясида "Қазақстан темир жолы" Миллий компанияси раисининг ўринбосари Мурат Торегельдин раҳбарлигидаги делегация билан учрашув ўтказишди.

Унда юк поездларини қабул қилиш ва жўнатиш жараёнларини такомил-

лаштириш, чегарадош ҳудудларда ўтказувчанлик қувватини ошириш ҳамда логистика самарадорлигини яхшилаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Шундан сўн "Қазақстан темир жолы" Миллий компанияси делегация аъзолари "Сирдарё" станциясига ташриф буюриб, икки томонлама музокараларни давом эттирдилар. Томонлар юк ташиш жараёнларини мувофиқлаштириш, оператив ҳамкорликни кучайтириш ва технологик жараёнларни янада соддалаш-



тириш бўйича фикр алмашдилар.

Сафар доирасида икки томон делегация аъзолари поездда "Мақтарал" станциясига йўл олишди. "Сирдарё" – "Мақтарал" участкасида юк поездларини қабул қилиш ва жўнатиш жараёнларини янада такомиллаштириш юзасидан амалий музокаралар олиб боришди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган учрашувда юқоридаги масалалар юзасидан атрофида келишувларга эришилиб, икки томонлама баённома имзоланди.

Эътироф этиш лозимки, мазкур учрашувлар икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, транзит юк ташиш салоҳиятини ошириш ҳамда минтақавий транспорт интеграциясини ривожлантиришга хизмат қилади.



ТАНЛОВ

ТЕМИР ЙЎЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ: ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК ВА ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Бугунги шиддатли замон ҳар бир соҳадан нафақат бой тажриба, балки янги нигоҳ ва замонавий ёндашувларни талаб этмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи ҳисобланган темир йўл тизимида ҳам мазкур тамойил устувор аҳамият касб этган. Хусусан, 2026 йилнинг 19-20 февраль кунлари "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган "Инновацион Ҳамкорлик" танловининг якуний босқичи соҳа келажак ишончли қўлларда эканини яна бир бор исботлади.

Икки кун давом этган мазкур нуфузли



тадбирда тизимнинг турли бўғинларида фаолият юритаётган 34 нафар энг иқтидорли ва ташаббускор ёш мутахассис иштирок этди. Улар томонидан тақдим этилган 29 та истиқболли лойиҳа шунчаки назарий ишланма эмас, балки темир йўл транспорти самарадорлигини ошириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳаракатларни оптималлаштиришга қаратилган амалий ечимлар сифатида юқори баҳоланди.

Давоми 2-бетда

ТАДБИР

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ ЮЗАСИДАН СЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айланиши ижросига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бошқарув раисининг мас-лаҳатчиси – Ижро интизоми нозирати департаменти бошлиғи А.Абдуразаков, департамент, бошқарма, марказ, муассаса, офислар, ташкилотлар, хизматлар, масъулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ҳамда ижро интизомига масъул ходимлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030 стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ижросини самарали ташкил этиш ҳамда “ijro.gov.uz” тизимида жорий йил февраль-март ойларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг назорат топшириқларининг самарали ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши юзасидан темир йўл тизимида амалга оширилаётган йўналишлар бўйича назоратни таъминлаб бориш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда А.Абдуразаков иштирокчиларга давлатимиз раҳбари қарор ва топшириқларига асосан темир йўл тизимида амалга оширилаётган катта лойиҳалар – “Самарқанд” – “Қорақалпоқ” станция-



лари участкасида юк ташиш муддатларини 10 суткадан 6 суткагача қисқартириш, электрлаштирилган темир йўллар улушини 65 фоизга етказиш, иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳамда ички бозорда талабни рағбатлантириш бўйича шаҳарларни тезорар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан қўшимча темир йўллар қуришни бошлаш, 24 километрлик Байтқўрғон – Паркент ҳамда 92 километрлик Навоий – Бухоро йўналишида юқори тезликдаги темир йўл линияларини фойдаланишга топшириш,

шунингдек, Ховос – Даштбод йўналишида темир йўл линиясини қуришни бошлаш каби лойиҳалар ижросини таъминлашда зарур бўладиган ҳужжатларни ўз муддатида сифатли ва тезкор тайёрлаш, ижросини таъминлаш назоратини кучайтириш каби масалар бўйича тушунтириш бериб ўтди.

Шунингдек, тадбирда ҳукуматимиз томонидан берилган топшириқларни “ijro.gov.uz” да тўғри жойлаштириш, тизимда тақдор камчиликларни бартараф этишда йўл қўйилаётган ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифа-

ларни ўз вақтида бажариш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг 445-сон қонуни талабларидан келиб чиқиб, Жамият раҳбарлари томонидан имзоланган буйруқ, фармойиш ва топшириқлар назорати ҳам мунтазам мониторинг қилиниши ҳақида йиғилиш қатнашчиларига тушунтирилди.

Селектор сўнгида бошқарма, ташкилот ва корхоналарнинг ижро интизомига масъул мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Донохон ГАЗИЕВА

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТЕЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида фавқулодда вазиятларда биринчи тез ёрдам кўрсатишга бағишланган махсус ўқув машғулотини ташкил этилди.

“Ҳар бир сония ҳаётини аҳамиятга эга” шиори остида ўтказилган тадбирда ходимлар фавқулодда юзага келиши мумкин бўлган турли вазиятларда тезкор ва самарали ҳаракат қилиш тартиблари билан танишдилар. Машғулотлар давомида зилзила, сув тошқини, ёнғин каби фавқулодда ҳолатларда жабрланганларга тез тиббий ёрдам этиб



келгунига қадар биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникмалар мустаҳкамланди.

Тадбирнинг асосий мақсади – темир йўл ходимларини фавқулодда инсон ҳаётини асраб қолиш, оғир вазиятларда тўғри ва ишончли қарор қабул қилишга тайёрлашдан



иборат. Зеро, бундай пайтда ҳар бир сония қимматли: ҳатто қисқа вақтга кечикши ҳам инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Бундай ўқув машғулотлари ходимларнинг касбий малакасини ошириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда

ҳолатларда тез ва самарали ёрдам кўрсатиш қобилиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мақсуд тадбир корхонанинг ижтимоий масъулиятини намоён этиб, ҳар қандай шароитда инсон ҳаёти ва саломатлиги устувор эканини яна бир бор тасдиқлади.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ХАВФСИЗЛИК – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкент минтақаси темир йўл транспорт-да хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (ХТБ) ҳамда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи (ҲПГ) инспекторлари томонидан “Ёшлар орасида гитёвандлик ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш”, “Кибержиноят” ҳамда “Тиф” тадбирлари доирасида кенг қамровли профилактик ишлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, темир йўлга яқин жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари ҳамда темир йўл корхона-ташкilotларида мунтазам равишда профилактик йиғилишлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларга темир йўлларда ҳаракат хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган флаерлар тарқатилиб, темир йўл инфратузилмаларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шунга қарамадан, айрим фуқаролар томонидан темир йўл қоидаларига амал қилинмаслиги ва уларнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида турли кўринишдаги салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Жумладан, 2025 йил 17 декабрь куни “Орзу” станциясида ХТБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-профилактик тадбир давомида 2001 йил 24 апрель куни туғилган, Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида яшовчи фуқаро Р.У. Ангрен – Поп йўналишидаги кўмир маҳсулоти ортилган юк поезди вагонларидан кўмир талон-торож қилаётган вақтида ушланган. Ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун Ангрен шаҳар ЖИБ

судига юборилган.

Бундан ташқари, 2026 йил 11 январь куни соат 02:15да “Ақча” – “Оҳангарон” темир йўл станциялари оралиғининг 73-километрида 1982 йилда туғилган, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи Х.О. маст ҳолатда темир йўл изларида ўтириб, қоидаларни қўпол равишда бузган. Натижада ҳаракатда бўлган Оҳангарон – Мароқанд йўналишидаги 3471-сонли юк поезди уни уриб юборган. Фуқаро олган тан жароҳатлари билан оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.

Юқоридаги ҳолатлар барча фуқароларни темир йўл қоидаларига қатъий амал қилишга чақиришни талаб этади. Темир йўл ҳудудларида эҳтиёткорлик ва шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Д.РАҲИМОВ,

“Орзу” бекатида ХТБ ҲПГ катта инспектори,

И.ЖУМАОБОВ,

“Оҳангарон” бекатида ХТБ ҲПГ инспектори,

катта лейтенант



ТЕМИР ЙЎЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ: ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ТАРМОҚ РИВОЖИ УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

Танловнинг энг муҳим жиҳати шундаки, тақлиф этилган ғоялар соҳанинг деярли барча йўналишларини қамраб олди.

Масалан, ташишларни ташкил этиш йўналишида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали вакиллари А.Ражабов ва Ш.Диловлар томонидан ишлаб чиқилган “Рақамли автоблокировка тизими” лойиҳаси поездлар ҳаракатини бошқаришда инсон омилини камайитириш ва хавфсизликни рақамли даражага кўтариш йўлидаги муҳим қадам бўлди.



Шунингдек, локомотив ва вагон ҳўжалиги йўналишларида кўнгиротлик ёшлар алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Улар томонидан тақдим этилган “UzTE16M” серияли тепловозларнинг ҳаво филтёрларини тозалаш ускунаси ҳамда вагон деталларини кум ва сув билан ювиш мосламалари ишлаб чиқаришдаги вақт ва маблағ сарфини сезиларли даражада тежаш имконини беради. Бу эса тармоқда маҳаллийлаштириш ва техник хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Юк ва тижорат ишлари соҳасида эса “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали муҳандиси А.Раджабовнинг станцияларда қоп билан ташилладиган юкларни вагонларга ортишни механизациялаштириш бўйича тақлиф этган янги усули оғир кўл меҳнатидан воз кечиш ва жараёнларни тезлаштиришда юқори самарадорликни кўрсатди.

РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Замонавий дунёни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Танловда АКТ ва алоқа соҳалари бўйича тақдим этилган “Station Report” тизими, “Замонавий градиент қурилмаси” ва “MAPS-Turon” каби лойиҳалар темир йўл бошқарувида маълумотлар алмашинувини тезлаштиришга хизмат қилади. “DAS UTU” масъулияти чекланган жамияти мутахассиси С.Ғаниев томонидан ишлаб чиқилган рақамли фаолият самарадорлигини баҳолаш (KPI) тизими эса бошқарувда шаффофлик ва натижадорликни таъминлашда муҳим восита бўлиши кўтилмоқда.



Йўл ҳўжалиги ва электр таъминоти йўналишларида ҳам эътиборга молик янгиликлар кузатилди. Кўчонлик ва кўнгиротлик ёш мутахассисларнинг “Йиғма контакт тармоғи” ҳамда “Клемма ва бетон ичига қўйилган мустаҳкамловчи болтларни тозалаш ва мойлашда янги асбоб” каби ихтиролари меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва техник жараёнларни автоматлаштиришга қаратилгани билан ҳакамлар ҳайъатида катта таассурот қолдирди.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ – КЕЛАЖАККА ИНВЕСТИЦИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳар бир ғолиб ва иштирокчининг изланишларини муносиб тақдирлади. Танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 35 баравари миқдорига пул мукофотлари билан сийландилар. Бундан ташқари, якуний босқичга етиб келган ҳар бир иштирокчининг меҳнати алоҳида эътироф этилиб, уларга БҲМнинг 20 баравари миқдорда рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби танловлар шунчаки мусобақа эмас, балки соҳанинг эртанги кунини белгилаб берувчи стратегик аҳамиятга эга тадбирдир. Ёшларнинг шижоати, инновацион фикрлаши ва соҳага бўлган садоқати “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг минтақадаги энг замонавий, хавфсиз ва рақобатбардош транспорт тизимига айлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ёш темирйўлчиларнинг бугунги зафарлари – эртанги катта ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворидир!

ҚОНУН ИЖРОСИ

ДЕПУТАТЛАР ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА ҚОНУН ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАРТИБИДА ЎРГАНИШДИ

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тadbиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Зайниев бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига асосан "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонун ижроси таъминланишини Тошкент шаҳридаги темир йўл корхоналари мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганишди.



Дастлаб депутатлар 18 февраль куни "Темирйўлкарго" ҳамда "Ўзтемирийўлконтейнер" акциядорлик жамиятларига ташриф буюриб, ушбу қонун ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган қонуности ҳужжатлар ижроси юзасидан жамият мутахассислари иштирокида бажарилган ишлар билан яқиндан танишиб чиқишди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонунда белгиланган моддалар ижросига асосан темир йўлларда контейнер ва вагонларда юк ташиш самардорлигини ошириш учун амалга оширилган ишлар, соҳанинг муҳим таркиби бўлган логистика йўналишидаги истиқболли

лойиҳалардан унумли фойдаланилаётганлиги, айниқса, тadbиркорларга яратилаётган қўлай шароитлар ҳақида атофлича маълумотларга эга бўлишди ҳамда қонунчилик ижроси юзасидан ишларни самарали ташкил этилганлигини ўрганишди. 19 февраль куни депутатлар "Ўзтемирийўлловчи" акциядорлик жамияти тасарруфидеги "Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш" филиали (ВЧД-2)да бўлиб, поездларни рейсга тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишибди. Ҳар бир сафардан қайтган таркиб вагонларини тезкор ва синчковлик билан текширувдан ўтказилиши – вагон текширувчи-

ри томонидан вагон эшигини кўздан кечиришдан бошлаб, вагон ойналари, уриндиклар, ювиниш хонасидаги барча жиҳозларнинг соз ёки носозлиги, купе ва плацкарт вагонлардаги озодалиқнинг назоратдан ўтказилиши ҳақида депутатларга тушунтириш бериб ўтилди. Шунингдек, цехда вагон қувурларини тозалаш, иситиш қозони, захира суви баки, самовар ва ювиниш тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳам пухта бажарилаётганлигига гувоҳ бўлишди. Шундан сўнг депутатлар "Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи" акциядорлик жамиятида Ўзбекистон темир йўллари учун қурилаётган янги вагонлар

фаолиятини ҳам кўздан кечиришди. Заводда 2024-2025 йилларда "Янги Ўзбекистон" тимсоли кўринишидаги замонавий дизайнга эга янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ўтган йили яна бир янги 61-933 русумдаги "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ишчи-ходимларини ташиш учун мўлжалланган ўриндикли вагонлар ишлаб чиқарилди. Депутатлар ушбу жараёнларга юқори баҳо бериб, айна пайтда заводда янги ишлаб чиқарилаётган вагон салонларини концептуал янгилашни йўловчиларга янада қўлайлик яратишини айтиб ўтишди. "Тошкент-марказий" темир йўл вокзалда ҳам йўловчиларга яратилаётган барча қўлайликлар "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ижросини бажариш жараёни билан бевосита боғлиқ. Вокзалга ташриф буюрган депутатлар бу ерда қисқа вақт давомида катта ўзгаришлар бўлганига гувоҳ бўлишди. Хусусан, вокзалга кириб-чиқиш осонлашгани, автомобиллар ҳаракати ва тўхташи учун яратилган шароитлар, чипталарни онлайн электрон тарзда сотилиши ҳамда поездлар ҳаракатланишининг аҳолига қўлай вақтда амалга оширилиши, шунингдек, вокзал ҳудудидаги турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари каби янгилашилган қонунчилик ижроси юзасидан ишларни самарали ташкил этилганлигини кўрсатади.



ХОТИРА МАНГУДИР

ҲАМДАМ МАҲҚАМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА



28 февраль куни Маҳқамов Ҳамдам Маҳқамович таваллудининг 100 йиллиги нишонланади. У юксак масъулият ва фидойилик намунаси бўлган, ҳаракат хизмати тизимининг тажрибали раҳбари ҳамда истеъдодли мутахассиси сифатида Ўзбекистон темир йўллари тарихида муносиб ўрин эгаллаган.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнати, юқори касбий маҳорати ва танлаган касбига садоқати соҳа ривожига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди ҳамда темирйўлчиларнинг кейинги авлодлари учун ибрат мактабига айланди. Ҳаракат хизматида фаолият юритиш магистралнинг узлуксизлиги ва ҳаракат хавфсизлиги учун кундалик масъулиятни англади. Темир йўл соҳасига узоқ йиллар садоқат билан хизмат қилиш эса

ТЕМИР ЙЎЛГА ЯРИМ АСРЛИК САДОҚАТЛИ УМР ЙЎЛИ

уни ҳаётий касб ва шарафли бурч сифатида қабул қилишди. Ҳамдам Маҳқамов ана шундай фидойи инсонлардан бўлиб, унинг номи Урта Осиё темир йўли тизимида фаолият юритган бир неча авлод мутахассисларига яхши маълум. У 1926 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор маҳалласида туғилган. Тошкент темир йўл муҳандислари институтини муваффақиятли тамомлаб, меҳнат фаолиятини Ўртаовул станциясида бошлаган. У касб сирларини кўйи бўғинлардан ўзлаштиришни мақсад қилиб, ўзини интизомли, масъулиятли ва талабчан мутахассис сифатида намоён этган. Ҳамдам Маҳқамов хизмат фаолияти давомида ҳаракат тизимининг барча асосий босқичларидан изчил ўтди – станция навбатчиси, поезд диспетчери, йирик станциялар ва темир йўл бўлимлари раҳбарига бўлган масъул лавозимларда самарали фаолият юритди. Ҳар бир лавозимни у юксак масъулият ва фидойилик билан адо этди. Айниқса, юк ва йўловчи қатнови юқори бўлган участкаларда аниқ ва пухта бошқарувни таъминлаш унинг асосий вазифаларидан бўлди. Урсатев (кейинчалик Ховос) бўлимидаги фаолияти даврида стратегик аҳамиятга эга қатор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, участкаларни электровоз тортувига ўтказиш, сигнализация, марказлаштириш ва блокировка тизимла-

рини жорий этиш, станцияларнинг ўтказувчанлик ҳамда қайта ишлаш қувватини ошириш бўйича муҳим ишлар бажарилди. У техник тараққиёт билан бир қаторда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, интизом ва касбий тайёргарликни оширишга алоҳида эътибор қаратди. 1966 йилда Тошкент шаҳрида юз берган zilзиладан кейинги давр темир йўл тизими учун жиддий синов бўлди. Фавқуллода шароитда курилиш юкларини ташиш, темир йўл инфратузилмасини тиклаш ва ривожлантириш ишлари узлуксиз ташкил этилди. Ушбу мураккаб даврда Ҳамдам Маҳқамов бошчилигидаги ҳаракат хизмати жамоаси юқори даражадаги профессионаллик ва ташкилотчилик салоҳиятини намоён этди. Кейинчалик Фарғона бўлимига раҳбарлик қилган даврида у ташиш режалари бажарилиши билан бир қаторда инфратузилмани модернизация қилиш, ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Унинг ташаббуси билан вокзаллар, юк ҳовлилари ва деполар реконструкция қилинди, янги ишлаб чиқариш объекти барпо этилди, темирйўлчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилди. 1978 йилдан бошлаб Тошкент бош бўлимига раҳбарлик қилган даврида юқори эксплуатацион юк-ламалар шароитида қатъий ишлаб

чиқариш интизому ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа бўлди. У талабчан, принципиал ва адолатли раҳбар сифатида жамоа ҳурмати қозонди. 1984 йилда саломатлиги сабаб раҳбарлик лавозимини тарк этган бўлса-да, темир йўл тизими билан алоқасини узмади. Муҳандислик фаолиятини давом эттириб, ўзининг бой тажрибасини ёш мутахассисларга ўргатди, улар учун устоз ва маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди. Ҳамдам Маҳқамов умрининг эллик йилдан ортқ қисмини темир йўл транспортига бағишлади. Унинг самарали меҳнати давлат ва соҳа мукофотлари ҳамда "Хизмат кўрсатган муҳандис" фахрий унвони билан тақдирланди. Бироқ у учун энг юксак эътироф ҳамкасбларининг ҳурмати ва жамоанинг ишончи бўлиб қолган. У оилада ҳам юксак инсоний фазилатлар соҳиби эди. Турмуш ўртоғи Насиба она билан биргаликда миллий қадриятларни асраб-авайлаб, фарзандлари ва набираларига меҳнатсеварлик, масъулият, ватанпарварлик ва инсонларга ҳурмат руҳини синдиридилар. Бугун янги авлод мутахассислари соҳада фаолият юритмоқда. Аммо Ҳамдам Маҳқамовнинг касбий тажрибаси, тамойиллари ва маънавий мероси темир йўл тизимида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Унинг ҳаёт йўли касбга садоқат ва шарафли меҳнатнинг ёрқин намунаси.

ЁШЛАРНИ ИШЛИ ВА ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШ, ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Давомий. Бошланғич 1-бета

Бунда молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади: ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тadbиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рухсат берилади. Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида 1 мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади. Жорий йилдан "Келажак тadbиркори" дастури ишга туширилиб, ёш тadbиркорларга 7 йил муддатгача 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тadbиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тadbиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланди. Шунингдек, тadbиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани қайд этилди. Шу боис, ҳар бир ҳудудда тadbиркорликка ўқитиш, гоёни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган "Ёшлар бизнес инкубатори" ташкил этилади. Нуфузли хорижий олийгоҳлар илгор тажрибалар асосида ёшларни тadbиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилиб, камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган "Янги авлод тadbиркорлари" дастурини бошлаб берилганлиги. Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1 минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли сўда берилади. Ҳар йили "Ёш тadbиркорлар" танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун "Ёшлар венчурс" жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Жорий йил 1 мартдан янги иш бошлаётган ёш тadbиркорларга инфратузилмага улашиш билан боғлиқ давлат хизматларининг харажатлари Ёшлар тadbиркорлиги жамғармаси ҳисобидан қўлаб берилади. Ижтимоий ташаббуслар бўйича "Фикринги бер (Voice Up)" инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1 минг нафар ёшни қамраб олиш, энг яхши ташаббуслар иштирокида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси белгиланди. "Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)" лойиҳаси доирасида бу йил медиа, дизайн, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида ҳам танлов ўтказилади. Энг яхши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади. Техникумларда таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, дуал таълимнинг қамровини кенгайтириш, моддий-техник базани яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди. Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби "spin-off" очишга рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади. Жорий йилдан техникум ўқувчилари учун ҳам "Ишла ва саёҳат қил (Work and travel)" дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, кўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлқира харажатлари учун сўда ажратилади. Хорижий тил сертификатига эга ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми самара бергани таъкидланиб, сертификат олган ёшлар 600 мингдан ошгани, хорижий тилларни мукамал биладиган 72 минг инструктор шаклланиши айтилди. Хусусий ўқув марказларининг сони 3 қарра кўпайиб, 38 мингдан ошган. Хусусий ўқув марказлари уюшмасини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уюшма аъзоси бўлган марказларга биносини ижарага берган тadbиркорлар ижарадан олинмаган даромад ва фойда солигини тўлашдан озод этилади. Бундай марказлар ўқитувчиларини илгор таълим марказларига стажировкага юбориш амалиёти йўлга қўйилади. "Кўмак" дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув марказларининг фаолиятини кенгайтириш учун 300 миллион сўмгача фозисиз сўда берилади. Олис ҳудудлардаги ўқув марказлари ижтимоий солиқни 1 фоиз, ўқитувчилар даромад солигини 7,5 фоиз миқдорда тўлайди (ҳозир 12 фоиз). Жойларда эҳтиёмқанд оилалардаги ёшларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиши белгиланди: ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг ярми қўлаб берилади, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ "кешбек" тариқасида қайтарилади. Волонтерлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда ҳуқуқий асослар яратилгани ҳисобига волонтер ёшлар 5 қарра кўпайиб, экология, тиббий хизмат, таълим, фавқуллода вазиятларда кўмаклашиш йўналишларидаги волонтерлар сони 100 мингдан ошгани айтилди. Волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича Васийлик кенгашини тузиш, Ёшлар ишлари агентлигида "Волонтерликни қўллаб-қувватлаш" жамғармасини ташкил этиш режалаштирилди. Жамғармага ҳар йили бюджетдан 20 миллиард сўм, қўшимча равида маҳаллий бюджетлардан 3 миллиард сўмдан ажратилади. Шунинг ҳисобидан волонтерлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грант берилади, "ижтимоий фаоллик картаси" орқали балл тизими жорий этилади. Йилигида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди. Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қўлаб берилиши айтилди. "Китобхонлик миданиятини ривожлантириш" жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга иқодий буюртма бериб, бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қўлаб берилганлиги. Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпламни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиш, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан мукофотлаш вазифаси қўйилди. Кутубхона, "book safe" ва китоб дўкони очиб, ойига 10 минг донадан ортқ китоб сотувини йўлга қўйган тadbиркорларга 3 йилга 1 миллиард сўмгача 7 фоизли сўда бериш механизми назарда тутилди. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши учун "Иккинчи имкон" лойиҳаси бошланғич маълум қилинди. Унга кўра 8-12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқитиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади. Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид тақлиф ва ташаббусларини тингловди. Тadbир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди. Президент Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган ёшлар билан мулоқот доирасида "Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап" – "President Tech Award" лойиҳаси ғолибларининг тақдими билан танишди. Мақзур танлов Дастурий махсуслошлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги кўмағида 2023 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Унинг умумий мукофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади. Танловда сунъий интеллект, ижтимоий технологиялар, MicroSaaS ва AdTech, молиявий технологиялар ва тadbиркорлик, уйин дастурлари ҳамда махсус йўналиш – ҳақон бўйича энг намунали лойиҳалар танлаб олинди. Илк ташкил этилган танловда тўрт мингдан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб, иштирокчиларнинг сони олти мингга яқинлашди. Жамоаларнинг сони эса 444 тадан 862 тага етди. Давлатимиз раҳбарига танлов ғолиблари ўзларининг стартап лойиҳалари, уларнинг афзалликлари ва амалий самараси хусусида сўзлаб берди. – Биз кичик стартаплар катта-катта лойиҳаларга, даромадли бизнесга айланиши учун зарур шароитларни яратиб беришга тайёرمىз. Бунинг учун ҳар бир стартапчи билан мулоқот қилиш, унга керакли ёрдамни кўрсатиш лозим, – деди Президент. Ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш орқали келажак касбларига замин яратилаётгани, дунё давлатлари ҳам ёшларнинг стартап лойиҳаларига алоҳида қизиқиш билдираётгани таъкидланди. Президентимиз стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга маблағлар янада кўпайтирилишини айтиб, ёшлар ўзларининг янги қарашлари ва гоёлари билан яна қайси соҳа ва йўналишларда изланиши кераклиги юзасидан тавсияларини берди.

СИЗ КУТГАН СУХБАТ



Актёр, телебошловчи, ҳажвий қўшиқлар устаси – Соат Шарипов 1953 йил 14 мартда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида таваллуд топган. 1976 йилда А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтининг “Муסיқа ва драма актёрлиги” факультетини имтиёзли диплом билан тавомлаган. Талабалик йилларида-ёқ Аброр Ҳидоятлов номидаги Республика стипендиясига сазовор бўлган.

СОАТ (АКА) БИЛАН ЯРИМ СОАТ

У ўзининг илк ижодий фаолиятини “Ёшлик” студиясида бошлаган. Деярли ярим асрлик умрини телевидение соҳасига бағишлаган ижодкор халқимиз меҳрини қозонган “Иқбол”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Чархпалак – бахтингдан кўр”, “Оилалар беллашуви”, “Ғолиб курси” каби турли кўрсатувлар муаллифи

ва бошловчиси ҳисобланади. Энг кўп давом этган кўрсатув “Келин-куёв шоу”си бўлиб, бу кўрсатув 1997 йилдан 2007 йилгача давом этиб, 130 га яқин сонлари тасвирга олинган.

Соат Шариповнинг санъат ва телевидение соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муно-

сиб тақдирланиб, 2000 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган.

Бугунги кунда у нафақат эл таниган санъаткор, балки намунали оила бошлиғи – 3 нафар фарзанднинг отаси ва 11 нафар набиранинг суюкли бобосидир. Биз таниқли актёр ва телебошловчи Соат Шарипов билан дилдан суҳбат курдик.

– **Исмингизни ким қўйган ва бунинг тарихи қандай?**

– Мен туғилганимдан кейинги воқеаларни катталар гапириб беришган. Чақалоқлик пайтида ҳар куни эрталаб соат ролпа-роса 6:00 да йиғлай бошлар эканман. Бу ҳолат бир неча кун такрорлангач, эрталаб ишга кетадиган кўни-қўшнилари онам раҳматлига: “Мана шу чақалогингиз йиғлаши билан соат олти бўлганини биламиз ва ишга отланамиз, у бизни уйғотади”, дейишган экан. Шундан сўнг онам: “Бу ҳаммани ишга жўнатадиган бўлди, бу худди

будильник – соат-ку! Исмини Соат қўямиз”, деб ният қилган эканлар.

– **“Келин-куёв” телешоусининг ёпилишига нима сабаб бўлган?**

– Тўғриси айтсам, бунинг аниқ сабабини ҳақиқатча билмайман. 1997 йилдан 2007 йилгача ушбу кўрсатув-

нинг 128 та сонини тайёрладим, ҳатто юбилей сонини “Халқлар дўстлиги” саройида нишонладик. Кейин Миллий телерадиокомпания раҳбарларидан бири менга: “Сиз муаллифлик қилинг, лекин кўрсатувни бошқа одам олиб борсин”, деб қолди. Сабабини сўрасам, тайинли жавоб беришмади. Мен эса: “Томошабин мени қабул қилган, агар импровизацияни жойига қўядиган одам чиқмаса, кўрсатув ўлади. Мендан бошқа одам бошқаришини халқ тасаввур қилолмайди”, дедим. Хуллас, ўзим олиб боришимга рухсат бўлмагани учун 2007 йилда каналдан кетганман. Орадан ўн йил ўтиб, “Спорт” телеканалида “Ташриф” кўрсатувини тайёрладим. 2017 йилда эса “Миллий” телеканали раҳбарияти таклифи билан “Келин-куёв шоу”ни қайта тикладик ва 40 дан ортик сонлари эфирга кетди. Кейинчалик раҳбарият алмашгач, кўрсатувни кундузги вақтга кўчиришди ва турли баҳоналар билан имконият беришмади. Шу билан кўрсатув тўхтаб қолди.

– **Сизнинг ҳам юрагингиз тубида армон ёки сир бўлиб қолган гаплар борми?**

– Армонми ёки сирми, билмадим-у, лекин кўнглимда қолган бир воқеа бор. Ҳаётимда 2-3 марта шифохонада стационар шароитда пулин тўлаб даволанганман. Менинг ҳеч қандай увномини йўқ. Бир гал ўғлим: “Ада, яна стационарга бориб гаплашиб



келайми?” деганида, “Ўзим бораман”, дедим. Борсам, бош шифокор алмашган экан (олдинги аёл киши жуда хурматимизни жойига қўярди). Янги бош шифокор эркак киши экан, “Даволанмоқчиман”, десам, аввалига рози бўлди-ю, кейин: “Сиз бизнинг контингентданмисиз, увнонингиз борми?” деб сўради. Увномим йўқлигини айтсам, “Унда ётолмайсиз”, деди. Пул тўлаб ётишимни айтсам ҳам кўнмади. Шу қадар хафа бўлдимки, уйдагиларга нима дейишни билмай, “Ҳозирча жой йўқ экан, кейинроқ чақиршадиган бўлди”, деб қўя қолдим. Ҳаётда ҳеч қачон увнонга қизиқмаганман, лекин ўша куни увнон инсон қадрини белгилаб қўйганидан жуда қаттиқ ранжидим.

– **Замонавий медиа ва блогерлар билан рақобат телевидениега қандай таъсир қилипти деб ўйлайсиз?**

– Блогерларнинг чиқишларини ўз саҳифасида юз минглаб одам кўриши мумкин. Лекин телевидениенинг аудиторияси барибир каттароқ. Агар сифатли ва яхши кўрсатув

тайёрланса, бир соат ичида миллионлаб одамларнинг эътиборини тортиш мумкин.

– **Ўзбекистон темир йўллари фаолиятига муносабатингиз қандай?**

– Поездда юришни яхши кўраман, айниқса, “Афросиёб” поезди жуда қулай, хавфсиз ва тезкор. Самарқандга 2 соатда етиб борасиз, Навоий ва Бухоро йўналишлари ҳам жуда ажойиб. Темир йўлларимизда анча катта ўзгаришлар бўлди. Халқимиз ва хорижий сайёҳлар учун сервис хизматларини янада кучайтириш, чипта нархларини эса халққа мос, мўътадил қилиш керак деб ҳисоблайман. Барча янгиликлар одамлар учун қилинмоқда, бундан хурсандимиз. Темирйўлчиларимиз омон бўлишсин. Мана кўлингизда соат бор, уйингизда, машинангизда ҳатто қўл телефонингизда ҳам соат бор. Шундай экан, доимо сизлар билан биргаман. Соатингиз ҳеч қачон бузилмасин. Сизларга хурмат ва эҳтиром билан Соат Шарипов.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди




ТАРИХНИ ЎРГАНАМИЗ

ДУНЁНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРГАН ИЛК “ТЕМИР ТУЛПОР”

Бундан ролпа-роса 222 йил муқаддам, 1804 йилнинг февраль ойида Буюк Британиянинг Уэльс минтақасидаги қалин туман ичида тарих ғилдираклари янги давр сари ҳаракатга келди. Инсоният тарихида илк бор отлар эмас, балки бугунги кунга қадар рақатланувчи машина – паровоз темир йўл бўлиб ўзининг биринчи муваффақиятли сафарини амалга оширди. Ричард Тревитик томонидан яратилган бу ихтиро нафақат транспорт соҳасида, балки бутун жаҳон санъат инқилобига бурилиш ясаган эди.

ОТЛАР ЎРНИНИ ЭГАЛЛАГАН ИННОВАЦИЯ

XIX аср бошларида санъат марказлари ва конлар ўртасида юк ташиш асосан отлар ҳамда сув каналлари орқали амалга оширилган эди. Темир йўлларнинг ибтидоий кўринишлари мавжуд бўлса-да,



улардаги оғир вагонларни ҳам кочи отлар тортарди. Инглиз муҳандиси Ричард Тревитик бугунги даврнинг имкониятларини кенгайтириб, уни ғилдиракларга ўрнатилган гоясини илгари сурганда, кўпчилик бунга шубҳа билан қаради. Унинг асосий мақсади – юқори босимли бугунги машинаси нафақат ўзини, балки жуда оғир юкларни ҳам мустақил тарти олишини исботлаш эди.

Тўрт соатлик мўъжиза

Тарихий синон 1804 йилнинг 21 февралда Пенидаррен темир куйиш заводидан Аберканон каналгача бўлган 16 километрлик (9,7 миля) масофада бўлиб ўтди. Ўша кунни Тревитикнинг паровози 10 тонна темир ва 5 та вагонда жойлашган 70 нафар йўловчини манзил сари олиб кетди. Ушбу сафар 4 соат-у 5 дақиқа

давом этиб, ўртача тезлик соати-га қарийб 4 километрни ташкил қилди. Гарчи бу бугунги кун ўлчовлари билан қараганда пиёданнинг тезлигига тенг бўлса-да, ўша давр учун бу мўъжиза – инсоният қудратининг табиат ва масофа устидан навбатдаги ғалабаси эди.

МУВАФФАҚИЯТ ВА ИНҚИРОЗ УЙҒУНЛИГИ

Аммо бу буюк кашфиётнинг ўз камчиликлари ҳам йўқ эмасди. Ўша давр темир йўллари фақат отларнинг кучи ва вазнига мўлжалланган бўлиб, мўрт қўядан қуйилган эди. Оғирлиги 8 тоннага яқин бўлган улкан паровознинг босимида дош беролмаган рельслар тез-тез синиб кетарди.

Иқтисодий жиҳатдан бундай йўқотишлар сабабли Тревитикнинг бугунги кунга қадар темир йўлдан олиниб, конда оддий стационар двигател сифатида ишлатила бошланди. Ихтирочининг ўзи эса бу кашфиётдан етарлича молиявий наф қўра олмади. Бироқ энг муҳим вазифа бажарилган – бугунги локомотивнинг амалий жиҳатдан

мумкинлиги ва самардорлиги бутун дунёга исботланган эди.

БУГУНГИ КУНГА НАЗАР

Ричард Тревитикнинг ушбу даражасида кейинчалик Жорж Стефенсон каби муҳандисларга йўл очди ва чинакам “темир йўллар асри”ни бошлаб берди. Темир йўллар мамлакатларни бирлаштирди, иқтисодий ривожлантирди ва одамларнинг узоғини яқин қилди.

Бугунги кунда биз соати-га 250-300 километр тезликда ҳаракатланувчи замонавий тезкор поездларда (масалан, ўзимизнинг “Афросиёб”да) манзилга зумда етиб борар эканмиз, бу қулайлик-

ларнинг барчаси 1804 йилнинг февралда Уэльсда бошланган ўша шовқинли, тўтунли ва соати-га 4 километр тезликда юрган 16 километрлик йўлнинг мантиқий давоми эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тарих шуни кўрсатадики, буюк глобал ўзгаришлар кўпинча кичик, машаққатли ва дастлаб хатодек кўринган қадамлардан бошланади. Тревитикнинг паровози инсон тафаккурининг чегара билмаслигини эслатиб турувчи ўчмас обида бўлиб қолаверади.

Маҳмуджон ТОҲИРОВ тайёрлади

ТАЪЗИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти Ўзбекистон темир йўллари бошқарув аппаратида узоқ йиллар раҳбар лавозимда фаолият кўрсатган нафақадagi темирйўлчи

РАҲИМОВ ДИЛМУРОД ҲАКИМЖОНОВИЧНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

	<p>МУАССИСЛАР:</p> <p>“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши</p>	<p>Тахрир кенгаши:</p> <p>Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабиров Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.</p>	<p>Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ</p>	<p>Мусаҳҳиҳ – Умида ТҮЙЧИБОЕВА</p>	<p>Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА</p>	<p>Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй. Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97) Қабулхона: (71) 236-48-92 Мухбирлар: (71) 236-48-71</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ISSN: 2181-6158</p>
	<p>Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ</p>			<p>Буюртма Г-234 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6</p>			